

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институт

«Банк – молия хизматлари» факултети

«Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси

«Ҳимояга тавсия этилди»

Кафедра мудири

_____доц. Ниёзов З.Д.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Тижорат банклари фаолиятида риск турлари ва бошқариш масалалари. (ЎзР ТИФ Миллий банк Самарқанд вилоят бўлими мисолида)

Бажарди_БИ-207___гуруҳ талабаси_Хонхаджаева Фарида

Илмий раҳбар доц.Дж.Х.Мухитдинов

Самарқанд - 2011 йил

Ҳимоя вақти «_28 _»_июн_2011 йил

ДАК баҳоси_____

ДАК қарори_____

ДАК раиси _____

ДАК аъзолари

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

«Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси

«Тасдиқлайман»

Кафедра мудири

_____ доц. Ниёзов З.Д.

«___» _____ 2011 й.

Битирув малакавий иши бўйича Банк – молия хизматлари _факултетининг

Банк иши йўналиши 4 курс талабаси Хонхаджаева Фаридага

Топширик

Битирув малакавий ишнинг мавзуси:

1. Тижорат банклари фаолиятида риск турлари ва бошқариш масалалари. (ЎЗР ТИФ Миллий банк Самарқанд вилоят бўлими мисолида)
2. Институт ректори буйруғи билан битирув малакавий иш мавзусининг тасдиқланган санаси ва рақами _____
3. Битирув малакавий иш бўйича бирламчи маълумотлар _____
4. Битирув малакавий иш режаси ва бажариш муддатлари:

Тартиб рақами	Битирув малакавий иш бўлимлари	Бажарилиш муддатлари
I – боб	Ўзбекистон Республикаси Марказий банклар рискларини камайтириш борасидаги сиёсат	01.02.2011
II- боб	Тижорат банкларни рискларнинг асосий турлари ва уларни бошқариш масалалар	01.04.2011
III- боб	Тижорат банкларнинг фаолиятига бозор рискларни таъсири	01.05.2011
IV-боб	ЎЗР ТИФ Миллий банки Самарқанд вилоят бўлимида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	01.06.2011

Топширик берилган сана ____21.12.2010

Битирув малакавий ишни топшириш муддати ____28.06.2011

Битирув малакавий иш раҳбари ____ доц.Дж.Х.Мухитдинов

Топшириқни олдим _____Хонхаджаева Фарида

Мавзу: Тижорат банклари фаолиятида риск турлари ва бошқариш масалалари. (ЎзР ТИФ Миллий банк Самарқанд вилоят бўлими мисолида)

Кириш.....

I – боб. Ўзбекистон Республикаси Марказий банклар рискларини камайтириш борасидаги сиёсат

1.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан тижорат банклари олдида рискларни камайтириш борасида қўйилаётган вазифа ва топшириқлар.....

1.2. Банк рискларининг моҳияти ва турлари.....

1.3. Банк рискларини классификациялари.....

II – боб. Тижорат банклари рискларнинг асосий турлари ва уларни бошқариш масалалар.....

2.1. Кредит рискининг моҳияти ва унинг бошқаришдаги муаммолар.....

2.2. Тижорат банкларида ликвидлик рискининг бошқариш сиёсати.....

2.3. Халқаро Базель қумитасининг талабларни таҳлили.....

2.4. Операцион рискларнинг моҳияти ва унинг шакллари.....

III – боб. Тижорат банклари фаолиятига бозор рискларни таъсири.....

3.1. Фоиз рискининг тушунчаси, турлари ва факторлари.....

3.2. Валюта рискининг.....

IV боб. ЎзР ТИФ Миллий банки Самарқанд вилоят бўлимида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.....

4.1. ЎзР ТИФ Миллий банки Самарқанд вилоят бўлимида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш.....

4.2. ЎзР ТИФ Миллий банки Самарқанд вилоят бўлимида ёнгинга қарши чора тадбирлар.

Хулоса ва адабиётлар.....

Кириш.

Малакавий битирув ишининг муаммоларнинг куйидаги гуруҳлари кўриб чиқилган:

- иқтисодий адабиётларда мазкур муаммоларни ишлаб чиқишни ҳисобга олган ҳолда банк рисклари моҳиятини аниқлаш ҳамда амалий тажрибаларни умумлаштириш;
- Банкнинг халқаро фаолияти билан боғлиқ бўлган риск ва даромадни йўқотиш rischi мисолида банк (яхлит) комплекс рисклари моҳиятини очиб бериш;
- Ўзбекистон банкларини замонавий шароитларда фаолият кўрсатиши ва рискларни алоҳида турларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқувчи ўзига хосликларни ажратиб, банк рискларини бошқарув тизимини ёритиб бериш.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз иқтисодиётини Инқироз даврида ва инқироздан кейинги ривожланиш даврида тижорат банкларини йирик инвестиция институтларига айлантириш ва уларнинг фермер хўжаликларини, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш жараёнидаги ролини ошириш вазифасини Президентимиз И.А. Каримов томонидан қўйилганлиги Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиқ даражасини янада ошириш заруриятини юзага келтиради. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкларининг етарли даражада ликвидли бўлиши юқорида қайд этилган вазифаларни бажаришнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январь куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги маърузасида тижорат банкларининг ликвидлилиқ даражасини таъминлаш орқали уларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кучайтириш зарурлиги хусусида шундай деди:

“...биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалик манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғли иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз. Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор”ⁱ.

Айни вақтда, республикамизнинг айрим тижорат банкларида уларнинг ликвидлилигига салбий таъсир этувчи омиллар сақланиб қолмоқда. Хусусан, йирик тижорат банклари депозит базасининг таркибида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғи 50 фоиздан юқоридир. Халқаро стандартларнинг талабларига кўра, ушбу кўрсаткич 30 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда, ушбу омил тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш масаласининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар - Д.МакНотон, Д.Полфреман, Ж.Матук, И.Носкова, К.Барлтроп, О.Лаврушин, Э. Доланларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган ⁱⁱ.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Вахабов, Т. Бобакулов, Н.Жумаев, О.Саттаровларнинг илмий изланишларида тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш масалаларининг назарий ва амалий жиҳатлари ўз ифодасини топган ⁱⁱⁱ.

Тадқиқот мақсади: Малакавий битирув ишининг умумий мақсади бўлиб банк рискларини, уларни классификациясини талқин этиш ва аниқлаштириш, Ўзбекистон шароитига мослаштирилган банк рискларини бошқаришнинг ташкилий асосларини очиб беришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш ва янада мустаҳкамлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- тижорат банклари ликвидилигининг назарий асосларини ўрганиш ва уларнинг илмий-амалий аҳамиятига баҳо бериш;
- хорижий давлатларнинг тижорат банкларининг ликвидилигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва улардан республикамиз банк амалиётида ижодий фойдаланиш юзасидан илмий – амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг тижорат банклари ликвидилигига таъсирини баҳолаш ва уни пасайтиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ликвидилигининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;
- Республикамиз тижорат банкларининг ликвидилигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ҳисобланади.

Тадқиқот предметини тижорат банкларининг ликвидилигини таъминлаш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги: Маълумки, тижорат банкларида рискларни минималлаштиришга риск стратегиясини ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин.

Банк рискинни бошқариш тизими рискнинг юзага келишини олдиндан хом-чўт қилиш, риск туфайли юзага келадиган салбий ҳолатларга йўл қўймаслик

ёки уларнинг таъсирини камайтириш борасида чора-тадбирлар, усуллар йиғиндисини ўз ичига олади.

Банк рискинни бошқариш тизимининг **объекти** банклар фаолиятида юзага келувчи рисклар бўлса, унинг **субъекти** сифатида рискга ўз таъсирини ўтказувчи гуруҳ, банк бўлими ҳодими ёки менежери ҳисобланади.

Банк рискларини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш учун банк фаолиятини чуқур билиш, банк бажарадиган операцияларнинг самарадорлигини аниқлай билиш, банкнинг кредит, инвестиция, валюта сиёсати ва бошқа фаолиятлари бўйича оптимал қарорлар қабул қилишга эришиш, мижозларнинг ҳўжалик фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволи, тармоқлар фаолиятининг хусусиятлари ва бошқаларни билиш лозим.

Банкнинг рискларни бошқариш стратегияси банкнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланиш, банкни ривожлантириш истиқболларини белгилаб бериш ва банк рискларини олдини олиб банклар фаолиятининг самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёни тижорат банкларининг барқарор фаолият юритувчи тизимини яратишни кўзда тутди. Чунки тижорат банклари бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Уларнинг барқарорлиги давлат аҳамиятига эгадир.

I – боб Ўзбекистон Республикаси Марказий банклар рискларини камайтириш борасидаги сиёсат.

1.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан тижорат банкларни олдига рискларни камайтириш борасида қўйилаётган вазифа ва топшириқлар.

Республикаимиз банк-молия тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ўстириш, уларнинг инвестициявий фаолиятини кучайтириш ҳамда ички манбалар ҳисобидан иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва техналогик қайта жиҳозлаш бўйича стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтириладиган кредитлар ҳажмларини кўпайтириш, шунингдек аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада Юртбошимизнинг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1317-сонли Қарори муҳим аҳамият касб этади.

Банкларни капиталлаштириш даражасини янада ошириш борасида қўрилган чоралар натижасида тижорат банкларнинг жами капитали ўтган йилга нисбатан 36 фоизга ошиб, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 4,1 трлн. сўмни ташкил этади. Банкларимиз капиталнинг етарлилик даражаси бўйича эришган 23 фоизлик кўрсаткич дунёда қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 барабар кўпдир.

2011 йилда тижорат банкларнинг жами капитали давомида 1,2 барабарга ошириш ҳамда унинг умумий суммасини 4,9 трлн. сўмга етказиш мўлжалланмоқда.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, юқорида айтиб ўтилган давлатимиз раҳбарининг ПҚ-1317 – сонли қарорига мувофиқ, тижорат банклари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида узоқ муддатли кредит қўйилмалари ва бу борада банклар томонидан жалб қилинган ички манбаларнинг ўсиш кўрсаткичлари жорий этилди.

Бу эса, 2010 йил охирига келиб, тижорат банклари томонидан ички манбалар ҳисобидан бериладиган кредитларнинг умумий кредит портфелидаги ялпи улушини 85,1 фоизга етказишга имкон берди.

Корхоналар ва тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга 2010 йил давомида 3,25 трлн. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 35 фоизга ошди.

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб - қувватлаш изчил давом эттирилган ҳолда, ушбу соҳага 2010 йилда йўналтирилган кредитлар миқдори 35 фоизга кўпайди. Банкларнинг узоқ муддатли инвестиция кредитларнинг жами кредит портфелидаги улуши 2000 йил охирида 35 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йил 1 январь ҳолатига кўра, ушбу кўрсаткич 75,2 фоизни ташкил қилди.

2011 йилда иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларни молиялаштиришга тижорат банклари томонидан 4 трлн. сўмдан зиёд инвестицион кредитлар ажратиш, шунингдек, ажратилаётган инвестицион кредитларнинг банкларнинг кредит портфелидаги улушини 75 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

2011 йилда тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаштириш фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида, банк кредит портфелининг 87 фоизини ички манбалар ҳисобидан шакллантириш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, қўшимча акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорида фаол жойлаштириш орқали 2011-2015 йилларда тижорат банклари капиталини 2,1 баробарга кўпайтириш, ушбу соҳага хусусий сектор капиталини, жумладан аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар ва хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

Шунингдек, 2011-2015 йилларда тижорат банкларнинг ресурс базасини янада ошириш мақсадида банк хизматлари қўламини кенгайтириш, депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, шу жумладан, узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш, субординар қарзларни фаол жалб қилиш орқали банк депозитларини 2,5 бараварга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари банк активлари сифатини яхшилаш, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ликвидлигини ошириш бўйича халқаро стандартлар, хусусан банк назорати бўйича Базель қўмитаси янги талабларини тўлиқ татбиқ этиб бориш ишлари амалга оширилмоқда.

Тижорат банкларининг масъул бўлинмалари томонидан банкларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодиёт турли соҳаларида тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, лойиҳаларни экспертиза қилиш тизимини такомиллаштириш, шу орқали банкларнинг узоқ муддатли кредитлар сифатини доимий мониторинг қилиш, кредит портфели сифатини яхшилаш ва унинг ўсиб боришининг таъминлаш ҳамда инвестиция таваккалчилигини баҳолаш, шунингдек, инвестицион кредитлар салмоғини ошириш бўйича чорағтадбирлар дастурини ишлаб чиқишга доир ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва тижорат банклари томонидан банк активларини, шу жумладан кредит портфелларининг янада ўсиши сифати яхшиланишини таъминлаш, таваккалчиликни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, операцион ва бозор таваккалчилигини аниқлаш, шунингдек жаҳоннинг етакчи банклари тажрибасини инобатга олган ҳолда банк мижозларининг кредитга лаёқатлилигини скоринг – таҳлил қилишнинг замонавий услубини жорий этиш

бўйича меъёрий ва услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан амалий ишлар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқиладиган Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг янги тавсияларини босқичма-босқич жорий этиш юзасидан алоҳида таклифлар мажмуида:

- * тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талабларни ошириш;

- * тижорат банкларнинг капитали таркибида уларнинг инқирозли ҳолатлар таъсирига қаршилик кўрсата олишини таъминловчи барқарорлаштириш заҳираларини ташкил этиш;

1.2.Банк рискларининг моҳияти ва турлари

Банк рисклари иқтисодий рисклар тизимига киради, шунинг учун у табиатан мураккаб тузилган. Тизим доирасида улар иқтисодий рисклар таъсирини сезади. Айрим муаллифлар банк рискнинг банк зарарлари пайдо бўлиш эҳтимоли сифатида ифодалашга қўшилмайдилар ва бу рискни қарорларни қабул қилишда ноаниқ ахборотлардан фойдаланиш деб тушунадилар. **Банк rischi** - банк томонидан ноаниқ ахборотлардан бошқарув ёки қарорларни қабул қилишда фойдаланилишини тушуниш керак. «Банк рисклари ҳақида»ги Россия Банкининг қарорида банк рисклари дейилганда ички ва ташқи омиллар таъсирида банк ликвидлилигининг йўқолиши сифатида ифодаланган.

Энди биз рискнинг туб моҳиятини кўриб чиқадиган бўлсак, "риск"сўзи испанча-португалча сўздан олинган бўлиб "сув остидаги қоя" деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам риск хавф туғдириш эҳтимоли мавжудлигини ифода қилади. Таниқли луғатчи *С. Н. Ожегов*нинг рус тили луғатида "риск" бу

- муваффақиятга интилиш, бахтли ҳодиса, умид деган маънони англатади дейилса, машҳур *Вебстер* луғатида рискга "хавф, зарар ёки талофат кўриш эҳтимоли", деб қаралган. *В. Т. Севрук* "риск - бу зарар кўриш ёки манфаатни қўлдан чиқариш билан боғлиқ эҳтимоллар ўлчамидир"² деган таъриф беради.

Профессор *В. М. Усоскин* "Риск доимо ноаниқлик билан бирга келиб, охирги ўз навбатида олдиндан кўра билиш қийин ёки мумкин бўлмаган воқеалар билан боғлиқ бўлади"³ деб изоҳлайди. Баъзи муаллифлар томонидан риск бу - ноаниқлик деб таърифланади.

Е. С. Стоянова "Риск бу режалаштирилган вариантга нисбатан даромад ола олмаслик ёки зарар кўриш эҳтимолидир"⁴ деб таъриф келтирса, бошқа бир гуруҳ муаллифлар риск - бу корхона ресурсларининг бир қисмини йўқотиш ёки даромад ола олмаслик, қўшимча харажатлар қилиш хавфидир, деб уқтиришади.

Юқорида келтирилган таърифларнинг барчасида риск қандайдир хавф-хатар ва зарарлар кўришдан иборат эканлиги тўғрисида фикр юритилади. Рискни таърифлаганда, уни зарар билан боғлиқ хавф-хатар, ноаниқлик дейиш риск тушунчасининг моҳиятини тўла ифодалай олмайди.


"Риск" сўзини ўзбекчага ағдаришга ҳаракат қилиш натижасида ҳозирги кунда турли муаллифлар томонидан "риск" атамаси турлича ном билан талқин қилинмоқда. Баъзи бир иқтисодчилар рискни «хавф-хатар» деб ифодалайдилар. Баъзи олимлар рискни «таваккалчилик» деб ифодаласалар, бошқалари рискга «хато», «иккиланиш», «ноаниқлик», «мавхумийлик» ва ҳоказолар деб таъриф бериш тўғрироқ деган хулоса қиладилар⁵.

Риск дейилганда одатда муваффақиятсизлик, хавф-хатар тушунилади; муваффақият учун ҳаракатлар эса ижобий натижага эришиш имконини беради.


Проф. А.А.Хандруевнинг фикрича риск кутилмаган салбий вазият (ҳолат)лар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар ёки

йўқотишлардир. В.Кузнецовнинг таъкидлашича риск – келажакни ўзини ноаниқлигини ифодаловчи, кежакдаги молиявий натижаларни ноаниқлигини англатади. Н.Э.Соколинская эса рискда йўқотишларга ёки пул маблағларини йўқотишига олиб келувчи эҳтимолли вазиятларни қиймат (микдор) ифодасини акс эттиради.


Таҳлиллар натижасида шундай хулосага келдикки, банк rischi – бу энг аввало, фаолиятнинг ўзига хос туридир. Риск – бу ноаниқлик эмас, ноаниқлик шароитида иқтисодий субъектларни фаолият кўрсатишидир. Банк фаолиятининг моҳияти билан узвий боғлиқ бўлган банк riskини ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ишлаб чиқариш жараёнини акс эттира бориб у ижтимоий маҳсулот айланишида, айирбошлаш сферасида тўлов муносабатларида намоён бўлади.







Банклар нафақат шахсий маблағлари билан, балки, энг асосийси заём маблағлари билан риск (таваккал) қилган шароитда оқибатлари янада жиддий бўлиши мумкин. Мувафакятсизликка учраган шароитда нафақатгина банк, балки унга ўз пул маблағларини жойлаштирган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар яъни унинг мижозлари ҳам зарар кўрадилар. Банк кризис (инқироз) лари ишлаб чиқариш кризис (инқироз)ларига қараганда янада хавфлироқдир, чунки, пул – кредит мажбуриятлари занжирида бир-бири билан боғлиқ бўлган кўп сонли иштирокчиларни молиявий зарар кўришига сабаб бўлади. Рискни моҳиятини очишда нафақатгина у ёки бу банк шартнома (битим)ларини амалга ошириш натижасида юзага келадиган зарарлар билан курашиш балки, кредитлар ва заёмчиларни манфаатини амалга оширишни таъминловчи тизимни яратиш бўйича фаолиятга диққат-эътиборни жалб қилиш зарур. ноаниқлик шароитида мувафакятга қаратилган (мўлжалланган) ҳаракатдир.



Банк фаолиятини кенгайтирилган доираси (сфераси) ва банк маҳсулотлари ҳамда хизматларининг турли хиллиги шароитида уларни классификациялаш зарур.

Рискнинг ҳажми банк амалга оширадиган операцияларининг рисклилиқ даражасига, банкнинг риск соҳасидаги стратегияси сифатига боғлиқ бўлади. Банк раҳбариятининг фойдани кўпайтиришга интилиши эҳтимолий зарарларни имкон қадар камайтириш билан бирга кечади. Ушбу икки мақсад бир-бирига муайян даражада зид бўлиб, бу банк маъмурияти ва унинг омонатчилари манфаатларининг қарама-қаршилиги билан боғлиқдир. Банк маъмурияти фойдани кўпайтиришга интилади ва қўшимча фойда олиш учун риск қилишга тайёр туради. Омонатчи учун эса маблағларининг сақланиши ва банкга ишонч масаласи муҳимроқдир. Даромадлилик ва риск ўртасидаги мақбул нисбатни сақлаб туриш банкни бошқаришнинг энг асосий ва мураккаб муаммоларидан биридир.

Масалан, кредит операцияларини бажаришда ҳисобланадиган фойдадан йўқотишлар 0-25% даражада бўлса минимал ҳисобланади; ҳисобланган фойдадан йўқотишлар 25-50% миқдорда бўлса юқори деб ҳисобланса; ҳисобланган фойдадан йўқотишлар 50-75% атрофида бўлса критик риск бўлади, ва сўнгида келтириладиган зарар ҳисобланадиган фойдадан 75-100% миқдорида бўлса йўл қўйиб бўлмайдиган риск ҳисобланади.

Банкда бажариладиган операциялар учети (ҳисоби)дан келиб чиқиб, риск икки турга бўлинади: балансли операциялар бўйича риск, балансдан ташқари операциялар бўйича риск. Иккала вазиятда ҳам риск кредит муассасаларини ҳам актив ҳам пассив операцияларга тегишли бўлади.

Банк томонидан кўзга тутилмаган жалб қилинган ресурслар оқими депозит операциялар бўйича рискларни келтириб чиқариши мумкин. Давлатимизда банк амалиётини шундай далолат берадики, йирик заемчидан кам бўлмаган олдин жойлаштирилган кредитларни сўндиришдаги қийинчиликларда корхонани йирик депозитларини чиқариш (очиш) кескин тўлов қийинчиликларига ва ҳатто банкни банкротлигига олиб келади. Шунга ўхшаш ҳолат 1990-йилнинг ўрталарида Кредо-банкда кузатилган эди, мазкур кредит муассасида каттагина депозит суммасини олдин жойлаштирган бой мижоз унинг муддатини узайтирмасдан ўз маблағларини қайтаришни талаб этди, бу эса банкда жиддий тўлов муаммоларига охир оқибатда банкни тугатилишига сабаб бўлди.

Баланс рисклари улар томонидан етарли даражадаги капитал нормативи (меъёри)га риоя қилинмаганда банкни ўз ликвидлигини йўқотиш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

2.1. жадвал

Банк rischi зоналарига характеристика

(тавсиф)

<i>Риск тури</i>	<i>Риск зонаси</i>
Кредит rischi	Заемчи кредитига лаёқатлилигини пасайиши кредит портфели сифатини ёмонлашувчи. Муддати ўтган асосий қарз ва фоиз тўловларини юзага келиши. Муаммоли ссудаларни пайдо бўлиши. Ишга доир рисклар факторини юзага келиши. Қарзни сўндириш манбаларини ишончсизлиги.
Нобалансли ликвидлик rischi	Янада узок муддатли активларни қоплаш учун қисқа муддатли ресурслардан фойдаланиш. Паст ликвидли активларни учувчи (юқори талаб қилиб олинadиган) ресурслар билан қоплаш.
Фоиз rischi	Мазкур даврда фоиз ставкаларини ўзгаришига сезувчан бўлган банк активлари ва пасивлари муддати ҳамда размерини номувофиқлиги. Фоиз маржасини тушиб кетишига олиб келувчи банкни актив ва пасив операциялари бўйича фоиз ставкаларини ўзгаришидаги номувофиқликни прогнозлаш. Банк актив операцияларини алоҳида турлари бўйича фоиз маржасини тушиб кетиши. Мазкур ресурсларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган ставкалар устидан жалб қилинган ресурсларни фоиз ставкаларини олиб кетиши.
Даромадлики йўқотиш rischi	Ресурслар реал қийматини ошиб кетиши. Салбий фоиз маржаларида ишламайдиган активлар улушини пайдо бўлиши ёки қисқаришига олиб келувчи юқори ликвидли активларни қоплаш учун ресурсларни барқарор ва нисбатан узок муддатли қисмидан фойдаланиш. Норентабелли маҳсулотлар. Фойдани шакллантирувчи манбаларни нобарқарорлиги.
Операцион риск	Бу областда етарли даражада малакага эга бўлмаган

	персонал бажарадиган янги операциялари. Банк фаолиятини алоҳида йўналишларини дастурий таъминотини етарли даражада ишламаганлиги. Ўзбекистон банки талабларига тўлиқ мос келмайдиган ёки етарли даражада қонуний таъминотга эга бўлмаган банк фаолиятини йўналишлари. Ички регламентларга эга бўлмаган ёки малакали кадрлар билан барқарор таъминланмаган банк фаолият сфераси. Банк фаолиятининг алоҳида сегментларига ички назорат сифатининг пастлиги ёки чекланмаганлиги.
--	---

Рискни идентификациялаш нафақатгина риск зоналарини аниқлаш, балки, бу зоналар билан боғлиқ бўлган банк учун салбий оқибатларни олиб келувчи ёки амалий фойда берувчи зоналарни аниқлашни кўзда тутди.

Бу методларни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) рискларни бартараф этиш методлари;
- 2) рискларни ўтказиш методи;
- 3) рискларни тақсимлаш методлари;
- 4) рискларни сингитиш (поглощения) методлари.

Рискларни тартибга солиш методларига қуйидагилар киради:

- банк операцияларини турларига мос равишда зарарларни қоплаш резервини ташкил этиш, бу резервлардан фойдаланиш тартиби;
- йўқотишларни банкни хусусий (шахсий) капитали билан қоплаш тартиби;
- риск даражасига асосланган маржанинг турли тип (хил)лари шкаласини аниқлаш;
- кредит портфели сифати устидан назорат;
- риск факторларини ҳисобга олган ҳолда операцияларни диверсификациялаш;
- ўтказиладиган молиявий инструментлар билан операциялар;
- банкни рискли операциялари билан боғлиқ бўлган бизнес – бўлинмалар ва персоналларни мотивлаш;
- рискни ҳисобга олган ҳолда нархни шакллантириш (фоиз ставкалари, комиссиянкалар);
- рискли операцияларга лимитларни белгилаш;

- активларни сотиш;
- индивидуал рискларни – хеджерлаш.

1.3. Банк рискларини классификациялари.

“Тижорат банкларининг банк рискларини бошқаришга нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида” низом ЎР Адлия вазирлиги 2011 йил 25 май № 2229 –сон

Банк rischi – банк фаолиятига таъсир қилувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ва (ёки) ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ва (ёки) банк ликвидлиги (банк ўз мажбуриятларини вақтида бажариш қобилияти) ни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг мавжудлиги.

Банк фаолиятида, асосан, қўйидаги банк riskлари юзага келиши мумкин:

А) кредит rischi – қарздорнинг шартномада белгиланган шартлар бўйича банк олдидаги ўз молиявий мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

В) бозор rischi – банкнинг қимматли қоғозлар портфелидаги инструментлари нархларининг, шунингдек, чет эл валютаси ва қимматбаҳо металллар курсларининг салбий ўзгариши натижасида банкга юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск. Бозор rischi фонд, валюта ва фоиз рискларини ўз ичига олади, бунда:

фонд rischi – қимматли қоғозлари портфелидаги инструментларнинг бозор нархларидаги салбий ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

валюта rischi – чет эл валютаси ва қимматбаҳо металлларнинг очик позициялари бўйича шу чет эл валюталари курслари ва қимматбаҳо металллар

баҳоларининг ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

фоиз rischi – активлар, пасивлар ва кўзда тутилмаган ҳолатлардаги инструментлар бўйича фоиз ставкаларининг салбий ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

в) ликвидлилик rischi – банкнинг ўз молиявий мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск. Банкнинг ликвидлилик rischi асосан, актив ва пасивларнинг сўндириш муддатларининг ўзаро номувофиқлиги оқибатида юзага келади. Банкнинг ликвидлилик riskини бошқариш “Тижорат банкининг ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида” ги Низом (рўйхат рақами 559, 1998 йил 2 декабрь)) талаблари асосида амалга оширилади;

г) операцион риск – банкнинг ички тизимлари, жараёнлари, ахборот технологиялари, ходимлар ҳаракатларида йўл қўйилган хатоликлар ёки ташқи табиий жараёнлар, шу жумладан табиий офатларо, натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

д) мамлакат rischi – банкнинг хорижий ҳамкорлари томонидан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар сабабли ўз молиявий мажбуриятларининг бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

е) ҳуқуқий риск– банк томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тузилган шартномаларга риоя қилинмаслик, иш жараёнида ҳуқуқий хатоликларга (нотўғри юридик маслаҳат ёки ҳужжатларни нотўғри тузилиши) йўл қўйилиши, ҳуқуқ тизимидаги камчиликлар, ҳамкорлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ риск;

ж) бизнесда обрў-эътиборни йўқотиш rischi – банкнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида омма ичида салбий тасаввур юзага келиши сабабли, мижозлар сонининг камайиши, кўрсатилаётган хизмат сифатининг тушиши натижасида, банкда зарарлар юзага келиши rischi;

з) фирибгарлик rischi – банкда ходимлар, мижозлар ва бошқа ҳамкорларнинг фирибгарлик ёки бошқа жиноий хати – ҳаракатлари оқибатида молиявий зарарлар кўриш хатари. Банкдан нақд пул ва бошқа қимматликларнинг ўғирланиши ҳамда банк ходимлари томонидан атайлаб молиявий ҳисоб ва ҳисоботларда зарарларни (вақтинча ёки текшириш орқали аниқлангунча) яширилиши натижасида банкнинг молиявий зиён кўриши.
(включить слайд с классификацией)

Банк рискларини бошқариш – банк ўз фаолиятини юритиши ва банк операцияларини ўтказишида пайдо бўлиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, уларни олдини олиш, бартараф этиш, камайитириш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи тушунилади.

Банк фаолиятидаги рискларни бошқариш қўйидаги асосий мақсадларда ташкил этилади:

Банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш;

Банк рискларини камайитириш, бартараф этиш ва олдини олиш;

Банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлаш.

Демак, хавф-хатар даражаси юқори бўлган ҳолда риск қилишга ҳолат йўқ, чунки бу риск муваффақиятсиз тугайди. Хавф-хатар даражаси шунчалик юқорики, у рискни ҳам қамраб олади ва салбий оқибатга олиб келади.

II – боб. Тижорат банкларни рискларнинг асосий турлари ва уларни бошқариш масаллари.

2.1. Кредит рискнинг моҳияти ва унинг бошқаришдаги муаммолар.

Тижорат банкларининг кредит операциялари банк фаолиятининг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Кредит rischi, шу тарзда, банк riskини асосий тури бўлиб қолади.

Кредит rischi деб, қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги яъни кредит суммасининг (қисман ёки тўлиқ) ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги тушунилади. Шунинг учун кредит riskларини аниқлаш ва бошқариш ҳар қандай тижорат банкнинг ривожланиш ва тараққий этиш мақсадига эришиш учун ишлатиладиган кураш усулларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Кредит rischi учинчи томонни кредит ташкилоти олдидан кредит мажбуриятларини бажармаслик riskидир.

Бундай турдаги рискни юзага келиш хавфи балансда акс этувчи (балансдан ташқари характерга ҳам эга бўлиши мумкин) ссудали ва унга тенглаштирилган операцияларни ўтказишда амал қилиши мумкин.

Бундай операцияларга қуйидагилар киради:

- тақдим этилган ва олинган кредит (заем)лар;
- жойлаштирилган ва жалб қилинган депозитлар;
- заем шартномаси бўйича тақдим этилган акция ва векселлар, қарздор қимматли қоғозларни олиш учун талабаларни қўшиб ҳисоблаганда жойлаштирилган бошқа воситалар;
- ҳисобга олинган векселлар;
- банк кафолатлари бўйича кредит ташкилотини бенефициарга тўловчи;
- пул талабномаларини ён берган ҳолда молиялаштириш шартномалари бўйича кредит ташкилотининг пулли талабномалари;
- ҳуқуқ шартномалари бўйича харид қилинган кредит ташкилотининг талабномалари;
- иккиламчи бозорда олдиндан кафолат бўйича кредит ташкилотининг талабномалари;
- тўлов муддатини узайтириб (молиявий активларни қўйиш) молиявий активларни сотиш шартномалари бўйича кредит ташкилотининг талабномалари;
- тўпланган аккредитивлар бўйича тўловларга кредит ташкилотининг талабномалари (экспорт ва импорт аккредитивларини ўрни қопланмаган қисмига);
- агар қимматли қоғозлар котиоровкаланмаган ҳолатларда қимматли қоғозлар ёки бошқа молиявий активларни тескари мусодара қилиш мажбурияти билан уларни харид қилиш бўйича шартномани иккинчи қисмидаги пул воситаларини қайтариш бўйича контрагентга талабномалар;

- молиявий аренда (лизинг) операциялари бўйича лизинг олувчига (лизинг берувчи) кредит ташкилотининг талабномалари.

Кредит рискининг даражаси қуйидаги факторларга боғлиқ бўлади:

- мамлакатдаги ва митақадаги иқтисодий ҳамда сиёсий вазият, яъни унга макроиқтисодий ва микроиқтисодий факторлар таъсир кўрсатади (ўтиш даври иқтисодиётини кризис (инқироз)ли ҳолати, банк тизимини шаклланишини тугалланмаганлиги ва ҳ.к.):

- иқтисодиёт ўзгаришларига сезгир бўлган алоҳида тармоқ (соҳа)ларда кредит фаолияти концентрациясининг даражаси (яъни тармоқ ёки заемчиларни тор доирасига берилган каттагина ҳажмдаги сумма);

- мулкчилик шакли уларни тегишлилиги бўйича заемчиларни типи (хили), репутацияси (обрў-эътибори, нуфузи) кредитга лаёқатлилиги ҳамда мол етказиб берувчилар ва бошқа кредиторлар билан ўзаро муносабатлари;

- қарз олувчиларнинг банкротлиги;

- молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган мижозларга тўғри келувчи кредитларни ва бошқа банк воситаларини каттагина ялпи улуши;

- кредитлашни кам ўрганилган, ялпи ноодатий соҳа (сфера)ларида кредит ташкилоти фаолиятининг концентрацияси (лизинг, факторинг ва ҳ.к.)

- банк етарли даражада маълумотга эга бўлмаган янги ва яқинда жалб қилинган мижозларни ялпи улуши (ҳиссаси).

- заемчи томонидан хизматни (мансабий) сууистеъмол қилиш, товламачилик;

- Гаров (кафолат) сифатида қийин реализация қилинадиган ёки қимматликларни тезда қадрсизланиши ёки кредит учун мос равишдаги таъминотни ололмаслик, гаров (кафолат)ни йўқотиб қўйиш:

- кредит портфелини диверсификациялаш;

- кредит шартномаларини ва тижорат ёки инвестицион лойиҳани техник-иқтисодий асосланишининг аниқлиги;

- предметларни тақдим этиш ва берилган кредитлар портфелини шакллантириш бўйича кредит ташкилотининг сиёсатига ўзгаришлар киритиш;
- тақдим этилаётган кредит тури, шакли ва миқдори (размери) ҳамда уни таъминоти.

Кредит рискларининг банклар учун долзарб муаммолиги шундаки, кредит rischi мавжуд бўлган ҳолда кредитор (банк) да қарз олувчи томонидан кредит шартнома шартларини, унинг ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда бажара олиш имкониятига ишончсизлик ҳосил бўлади. Маълумки, банк амалиётида фойда берилган кредитлар бўйича олинадиган фоизлардан ташкил топади. Қарз олувчи томонидан олинган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг ёки кредитнинг асосий суммасининг ўз вақтида тўланмаслиги, ёки умуман тўланмаслиги банк фойдасининг камайиши оқибатида банкнинг келажакдаги маблағлари салмоғининг тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун кредиторлар улар берган маблағларнинг қайтиши билан боғлиқ рискларни камайитишга ҳаракат қиладилар.

ТИФ Миллий банкни Самарқанд вилоят бўлимини кредит кўрсаткичларни динамикаси


(млн сўмда)

Йиллар	Жами активлар	Кредит кўйилмалар	Умумий активлардаги улуши	Шундан муддати ўтган кредитлар
01.01.2009	67596.7	32064.2	47.4 %	5.2
01.01.2010	102419.7	39761.1	38.8%	31.8
01.01.2011	108649.5	47169.0	43.7 %	41.7


Жадвалда қайд қилинган маълумотлардан маълум бўлиятики, агар 2009 йилда кредит қўйилмаларни умумий активлардаги улуши 47.4 % фоизни ташкил қилинган бўлса, 2011 йил 1 январ ҳолатида ушбу кўрсаткич 38.8% фоизни, 01.01.2011 йил ҳолатида эса 43.7 % фоизни ташкил қилмоқда. Яъни банкнинг активларни асосий қисмини кредитлар ташкил қилмоқда

УЗР ТИФ Миллий банки Самарканд вилоят бўлими

Банк активлари ва берилган кредитлар нисбати



УЗР ТИФ Миллий банки Самарканд вилоят булими



25.06.2011

8

Қарз олувчи фаолиятида мавжуд рисклар даражасини кредитор кредит бергунга қадар, кейинчалик кредит бергандан кейин, ундан фойдаланиш давомида аниқлаш мумкин. Рискни минималлаштириш мақсадида кредитор кредит беришдан олдин рискни аниқлашга ҳаракат қилади.

Тижорат банкларимизнинг долзарб муаммоларидан бири баланс маълумотлари ва кредит портфелининг таҳлили асосида кредит рискларини бошқариш ҳисобланади. Кредитларни риск синфларига гуруҳлаш, уларни таҳлил қилиш, уларни минималлаштириш ва банк манфаатини ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқиш кредит рискларини камайтиради. Ишлаб чиқишда пасайиш бўлаётган корхона ва тармоқларда кредитнинг тўпланишидан воз кечиш, шунингдек, «ҳамма тухумни бир саватга солмаслик керак», деган донишмандларнинг нақлига амал қилган ҳолда бир қарз олувчига тўғри

келувчи рискнинг максимал миқдорига риоя қилиш кредит рискинни енгиллаштиришга имкон беради.

Кредит рискларини камайтиришнинг энг самарали йулларидан бири банкнинг кредит ресурсларини йиғиш ва улардан фойдаланиш буйича диверсификация утказишдир.

«Диверсификация» сузи лотинча суз булиб, «хар хил, турли туманлаштириш» деган маънони англатади

Шундан келиб чиккан холда банкнинг кредит портфелининг диверсификацияси банкнинг баъзи мижозлардан курган зарарларини бошка мижозлардан курган даромад хисобидан коплаш имкониятини беради.

УзР ТИФ Миллий банки Самарканд вилоят булими

УзР ТИФ Миллий банки Самарканд вилоят булими жами кредит қўйилмаларининг иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича тақсимланиши				
Тармоқлар	20010 йил миқдори	салмоғи %	2011 йил миқдори	Салмоғи %
Саноат	7233,7	18	12159,8	26
Қишлоқ хўжалиғи	7564,0	19	6901,6	15
Транспорт ва алоқа	251,0	1	685,9	1
Қурилиш	437,1	2	5586,8	12
Савдо ва умумий овқатланиш	11290,1	28	11488,6	24
Моддий техника таъминоти	37,5	0	12,5	0
Таерлов корхоналари	6063,5	15	2677,2	6
Маиший хизмат ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш	72,3	0	953,5	2
Бошқа соҳалар	6811,9	17	6703,0	14
Жами	39761,1	100	47168,9	100

25.06.2011

7

Банклар кредит рискларини бошқариш учун мустаҳкам ишлаб чиқариш жараёнига эга эмаслар. Кўп учрайдиган камчиликларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий изоҳнинг ҳужжат шаклида ёзилганлининг йўқлиги;
- портфель тўпланишига нисбатан чекловлар йўқлиги;
- кредит бошқарувининг ортиқча марказлашуви ёки марказлашмаслиги;
- кредитланаётган тармоқни яхши таҳлил қилмаслик;
- қарз олувчиларнинг юзаки молиявий таҳлили;
- миждозлар билан тез-тез алоқаларнинг бўлмаслиги;
- кредитлаш жараёнини етарлича текширмаслик ва мувозанатнинг йўқлиги;
- қарзлар устидан назоратнинг йўқлиги;
- кредит сифатининг ёмонлашуви оқибатида қарз қийматини ошириш имкони йўқлиги;
- қарзларни ҳужжатлаштириш устидан назоратнинг яхши эмаслиги;
- қарз маблағларидан кўп фойдаланиш;
- кредит ҳужжатларининг тўлиқмаслиги;
- кредитлар бўйича зарарларни қоплаш учун резервларни шакллантиришда активлар ва стандартларни гуруҳларга ажратишнинг йўқлиги;
- кредит жараёнини самарали назорат қилиш ва аудит қилишнинг етишмаслиги.

Бу камчиликлар кредит портфелининг заифлашишига таъсир этиб, ўз ичига бир тармоққа ёки хўжалик секторига йўналтирилган кредитларнинг тўпланиб

қолишига, туриб қолишига, катта миқдордаги кредит портфеллари, кредит бўйича зарарлар, тўловга қобилиятсизлик ва ноликвидлиликни олади. Шубҳа йўқки, кўпгина бозорларда банклар шундай иқтисодий шароитларда фаолият кўрсатишадики, бунда кредитларни сифатли бошқаришда объектив қийинчиликларга дуч келишади. Бу эса кредит бошқарувини кучайтириш лозимлигини кўрсатади.

Халқаро амалиётда банк фаолиятида кредит рискларини баҳолаш учун бир қанча меъёрлар қўйилган. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Битта қарздор учун риск даражасининг максимал қиймати:

$$K = (\text{Битта қарздорнинг кредитлар бўйича мажбуриятларининг йиғиндис}) / (\text{Банк капитали}) * 100\%$$

Бу кўрсаткичнинг қиймати 25 % дан ошмаслиги керак.

2. Йирик кредитлар меъёри:

$$K = (\text{Йирик кредитлар йиғиндисининг миқдори}) / (\text{Банк капитали}) * 100\%$$

Бу кўрсаткичнинг қиймати ўз капиталининг 8 баробаридан катта бўлмаслиги керак.

3. Халқаро кредитларнинг максимал миқдори:

$$K = (\text{Банк томонидан берилган халқаро кредитларнинг умумий суммаси}) / (\text{Банк капитали}) * 100\%$$

Бу кўрсаткичнинг максимал қиймати 200 % га тенг.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кредит бўйича ўрнатилган чегара ва меъёрий ҳужжатлар.

Меъёрий ҳужжат.	Ўрнатилган чегара.
"Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида" ги Низом, № 422 02.11.98 й.	Ҳар қандай бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳининг балансдан ташқари мажбуриятларини ҳам ҳисобга олган ҳолда, кредитлари жами суммаси 1-босқичли банк регулятив капиталининг 10 фоиздан ошган ҳолат йирик кредит (йирик йўқотиш эҳтимоли) деб ҳисобланади.
	Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси 1 даражали банк капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.
	Ишончли кредитлар учун таваккалчиликнинг энг юқори даражаси 1-босқичли банк капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги зарур.
	Банкнинг барча йирик кредитларининг умумий ҳажми 1-босқичли банк капиталидан 8 мартадан ортиқ ошиб кетиши мумкин эмас.

2.2. Тижорат банкларда ликвидлик рискинни бошқариш сиёсати.

Мамлакатда бозор иқтисодиётининг ривожланиши банк тизимининг мустаҳкам фаолият юритишига боғлиқ. Тижорат банклари фаолиятлари – банк баланслари ликвидлиги билан баҳоланади.

«**Ликвидлик**» - атамаси лотинча бўлиб, оқувчан, суюқлик маъносини англатади. **Тижорат банклари ликвидлиги** деганда мавжуд активлар билан

омонатчилар ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлов тўлай олиш (қайтариш) қобилиятига айтилади.

Ликвидлик - банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни билдиради.

Ликвидлик rischi бу кредиторлар ва омонатчилар олдидаги олинган мажбуриятларни бажариш учун мавжуд активларни реализация қилиш ёки қўшимча ўз вақтида молиявий ресурсларни жалб қилишда ўзи учун ҳеч қандай йўқотишларсиз банкни лаёқатсизлиги ёки имконияти йўқлиги оқибатида зарар етказилиш рискидир (маблағларни бир қисмини йўқотилиши).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 1998 йил 2 ноябрдаги 421-сонли *"Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида"*ги низомида ликвидликка банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқариш деб таъриф берилган.

ЛИКВИДЛИК ВА ТЎЛОВГА ЛАЁҚАТЛИЛИК

Мамлакатда бозор иқтисодиётининг ривожланиши банк тизимининг мустаҳкам фаолият юритишига боғлиқ. Тижорат банклари фаолиятлари – банк баланслари ликвидлиги билан баҳоланади.

«**Ликвидлик**» - атамаси латинча бўлиб, оқувчан, суюқлик маъносини англатади. **Тижорат банклари ликвидлиги деганда** мавжуд активлар билан омонатчилар ва кредитдорлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлов тўлай олиш (қайтариш) қобилиятига айтилади.

Ликвидлик - банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни билдиради.

Тижорат банклари депозит қабул қилар эканлар, уларни сақлаш ҳамда миқдор топширишига мувофиқ ўз вақтида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Банкнинг ўз мажбуриятларини бажара олишига жамоатчиликнинг ишончи банк томонидан янги депозитларни жалб қилишга имкон берувчи бош активи ҳисобланади. Банк томонидан миқдорнинг талабини қондира олмаслик бўйича йўл қўйилган ҳар бир ҳолат банкка ва умуман банк тизимига нисбатан жамоатчилик ишончининг йўқолишига олиб келади.

Сюда в текст не включать но на экран показать слайд 2,3 из 3 мавзу 3 «Банкнинг ликвидлик қобилияти»

Тижорат банкларининг ликвидлиги унинг баланс тузилмаси бўйича белгиланиб, унда активлар пасивга доир муддатли мажбуриятларни қоплаш учун ўз қийматини туширмаган ҳолда йўқотишларсиз пул маблағларига айлантирилиши лозим. Тўловга лаёқатсизлик эса, фақат баланс ликвидлигига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқдир.

Тижорат банклари депозит қабул қилар эканлар, уларни сақлаш ҳамда миқдор топширишига мувофиқ ўз вақтида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Банкнинг ўз мажбуриятларини бажара олишига жамоатчиликнинг ишончи банк томонидан янги депозитларни жалб қилишга имкон берувчи бош активи ҳисобланади. Банк томонидан миқдорнинг


талабини қондира олмаслик бўйича йўл қўйилган ҳар бир ҳолат банкка ва умуман банк тизимига нисбатан жамоатчилик ишончининг йўқолишига олиб келади.

Шу сабабдан ликвидлик хавфи депозит институтлари дуч келадиган асосий хавфлардан бири ҳисобланади. Ликвидлик ҳолатини самарали кузатишга ҳамда фавқулотда ҳолатлар учун амалий ҳаракат режасини ишлаб чиқишга қобилиятсизлик аксарият ҳолларда банкларни ликвидлик кризисига, ҳатто банкротликка олиб келади.

Ликвидлилиқ паст бўлган воситаларга узоқ муддатларга қўйилган маблағлар ҳисобидан қисқа муддатли ликвидликка бўлган эҳтиёжларни қондириш ва юқори фойда олиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш банкни бошқаришнинг асосий компоненти ҳисобланади ва бошқарув органларининг самарадорлиги ҳамда банкнинг ижроия бошқарувининг малакаси юқори эканлигидан далолат беради.

1-чизма

Тижорат банки активларини ликвидлилиги бўйича гуруҳлаш



2-чизма

Банк раҳбарияти ликвидликни режалаштириши ҳамда банкнинг қисқа муддатли мажбуриятларини уларни қайтариб олишда тўлашга етарли даражада нақд пул ва қисқа муддатли активларга эга бўлиши лозим.

Стандарт ёндашишни куллашни хоҳловчи банкларга характерли бир кангча талаблар куйилади, рискли операцияни бошқариш ва назорат ички системада таълуқли, мазмуни куйдагича жамланади.

Тижорат банкларида рискли операцияни камайитириш ва назорат килиш услуги.

Усул	Куллашнинг афзалликлари
Ички назорат тартиби ва тизими	Бетараф караш
Рискли операцияга лимитлар тизими	Мумкин булган зарарни чегаралаш
Мавжуд муоммони аниклаш учун	Рискли операцияни бошқаришни

хисобот тизими	такдирлашни ташкил этиш
Сугурталаш ва кайта сугурталаш	Сугуртачига рискни утказиш
Захирами ташкил этиш (ссудалар буйича ананавий захира)	Мавжуд зарарни кайта тулаш имкониятлари
Молия бозорида операцияни амалга ошириш тартиби	Утказиладиган операцияда назорат ва олдини олиш олиш
Молиявий операцияни амалга оширишда маълумот тизимини ишлатиш	Марказлашган тулик ва уз вақтида маълумот олиш рухсатишишни чеклаш

Бу ёндашишлар рискли операцияни анализ қилиш ва операциялар зарарли мониторингини банкнинг хусусий таҳлил модели актив қўллашни назарда тутди. Зарарли баҳолашни ушбу услуб ёрдамида ҳисоблаш капиталнинг етарлиги талабига мувофиқлашган. Банклар назорат ташкилоти рухсат берганда ва бу услуб сонли сифатли аниқлаш қилиштириш шарт билан қўллашади. Базель комитети бошида рискли операцияни ички баҳолаш асосида ёндашишни таклиф қилди. Бунга фаолиятнинг бир неча йўналиши стандарт ажратилди, рискли операция натижасида операция қилиштириши мумкин бўлган зарар қўшимча аниқланди.

Қилирилган операция зарарли қилинишлари қўлигани Базель комитети таклиф этган. Рискли ички баҳолаш ушбу ёндашишда фаолият йўналишининг ҳар бир комбинацияси ва операция зарарга банк қўшимча қўлатгич белгилаш зарур деб қўлда тутди.

Айни вақтда назорат ташкилоти банка турли факторлар орасида алоқалар узаро боғлиқлигини ҳисобга олишга рухсат қилиши ва рискли операцияда талаб қилинган капитални ҳисоблашда банк индивидуал баҳолашга қўлланиладиган усулнинг узаро боғлиқлигини аниқлай олади. Бу улчовга қўшимча қилиб, рискли Базель комитети операция қилибатида зарарлар буйича ички ва ташқи маълумотларга ички моделни қўллашда ҳамда ички назорат тизими ва ташқи муҳитни ҳисобга олиш ва сценарийланган таҳлил утказиш талабини шарҳлади. Шундай қилиб зарарли операциялар буйича банк узининг ички маълумот

базасини ташкил этиши керак, моделлар буйича хисоблашда баҳолаш олдиндан таснифлашда ёки тахликани эмпирик баҳолашга асос бўлиб хизмат килиши мумкин. Кайд килиш керакки рискли операцияни банк ичида баҳолаш талаб килинган капитални хисоблашга ишлатилади, камида 5 йиллик зарарлар буйича ички статистика асосланиш лозим. Банк узининг хисобларида рискли операцияда зарарлар оқибатига ташки маълумотларни ишлатиши лозим, банк доирасида етказилган зарар тугрисида очик маълумот тушинилади. Ташки маълумотлар алохида ҳолатлар буйича моделлаштиришда қурилиши мумкин бўлган ката зарарнинг олдини олишда жуда фойдали бўлиши мумкин. Банкнинг мақсади ката зарарли ҳолатни олдиндан айтиш, курсатгичларни статик тақсимлашда қисман таъсир этиши мумкин. Нихоят бутун банк миқёсида рискли операцияни баҳолашда ички назорат тизимида мавжуд ташки муҳитнинг алохида белгиларини эътиборга олиб қўлаш керак, бу банкни рискли операциядан эҳтиётлашга хизмат килиши мумкин. Бундай маълумотлар талаб килинган капиталга узгартиришлар киритишда ҳисобга олиниши мумкин, агар банк услубни танглашни асосласа, баҳолаш риск курсатгичига таъсир этади. Мумкин қадар бу факторлар сонли ўлчовда бўлса, бу таснифлашнинг имкони бўлади.

Рискли операцияни сугурталаш қуйидаги талабларни қониктириши лозим:

-- Сугуртачи А ва ундан юқори рейтингга эга. (кредит рейтинг эмас, сугурта рейтингги назарда тутилган яъни сугуртачи томонидан тузилган шартномадаги тулаш эҳтимоли ёритилади)

Сугурта полиси бошлангич амалдаги муддати камида 1 йил бўлиши, бунда қолган муддатнинг тугашига бир йилдан кам вақтни ташкил этса, банк талаб этилган капитал ҳисобида сугурта суммасини тегишли равишда қамайтирилиши қайд этиши керак (100% дан қолган муддатига 90 кун ва ундан кам)

Сугурта полиси –банк сугуртачи сифатида унинг ҳаракатини чегараш бекор қилиш тугрисида қўшимча шарт йўқ (унга нисбатан назорат ташкилоти бирон чора қўлаш ҳолати) ҳамда ташки бошқарувчига (банк банкрот бўлса).

Сугурта копламаси ушбу банк дучор булган риск операциясининг айна факторига туланади.

Рискли операциядан сугурталаш хисоблаш усули талаб килинган капиталга асосланган ва тегишли шаклда кайд этилиши лозим.

Банк захираланган капитал миқдорини сугурталаш ёрдамида пасайтириш маълумотини очик амалга оширади.

Жаъми активлар	7,1	20,3	15,8	3,5	6,0	7,6	34,7	100,0
Талаб қилиб олингунча депозитлар	16,7							16,7
Муддатли депозитлар	2,8	6,0	18,0	17,0	3,0	2,9	-	49,7
Жисмоний шахсларнинг амонатлари					7,4	1,9		9,3
Сезгир пасивлар								78,5
Акционер капитали							21,5	21,5
Жаъми пасивлар	19,5	6,0	18,0	17,0	10,4	4,8	4,5	100,0
Узилиш (оралиқ)	-12,4	+14,3	-2,2	-3,5	-4,4	+2,8		

Муддатлар бўйича оралиқ (узилиш) ларни бошқариш нейтрал позиция Янги актив ва мажбуриятларни тенглиги, барқарор даромадни кафолатлашини кўзда тутди. АҚШ да ўтказилган татқиқотлар шуни кўрсатдики, муддатлар бўйича узилишларни нейтрал позицияси юқорида қайд қилинган икки фактор сабабли фоиз ставкаларидаги даромадни нобарқарор даражасини беради.

4.2. жадвал. 2010 й 1 мартда ижро этиш муддати бўйича актив ва мажбуриятларни сезгирлигининг GAP-таҳлили (руб)

Банк баланси статья (модда) лари	Талаб қилиб олгун га қадар	1 ку н	2- 7 ку н	8- 30 ку н	31 - 90 ку н	91- 180 кун	181 кун 1 й	1 йилд ан 3 й	3 йилда н ортиқ	Сезги р бўлма ган	жаъ ми
Давлатнинг қарз мажбурият ри				21514							21514
Банкдаги маблағлар	6488										6488
Қимматли қоғозлардаг и амонатлар							6442				6442
Ссудалар			5000	8240	17600	4900	13300	32000	21662	179693	282395
Банклараро кредитлар	13969	74686									88655
Даромад келтирмайд иган актиалар										60458	60458
Жаъми активлар	20457	74686	5000	29754	17600	4900	19742	32000	21662	240151	465952
Банк маблағлари	5006	10008								15014	15014

143994	177511		91073	465952		
5768	60 345	30172	91073	187358		
				-	21662	-52793
	20676	28		20676	11324	-74455
	36251			36279	-16537	-85779
	23196			23196	-18296	-69242
	26692	8000		34692	-17092	-50946
				-	29754	-33854
	10351			10351	-5351	-63608
				10008	64678	-58257
138226		160		143392	-	
Мижоз маблағлари					122935	
Депозитлар						
Векселлар						
Шахсий маблағлар						
Жаъми пассивлар						
GAP						
Кумулятив GAP						

Фоиз рискени бошқариш тизими элементлар блоки йиғиндисидан иборат бўлиб, унга қуйидагилар киради:

- бошқарув субъектлари, фоиз рискени идентификациялаш;
- фоиз рискени баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- риск мониторинги ва тартибга солиш усуллари;

Амал қилишининг сўнги мақсади банк фаолияти жараёнида юзага келувчи фоиз рискени минималлаштириш бўлиб ҳисобланган тизим назорати.

Фоиз рискени бошқаришнинг вазифаси ликвидликка риоя қилиш шартлари билан риск ва фойда ўртасидаги оптимал муносабатларни топишдан иборатдир.

Мазкур вазифа ечилиши қийин бўлган вазифалар қаторига киради, масалан, Базель принципларида (Базел комитетининг “фоиз ставкалари рискларини бошқариш принципларида”) бошқарув мақсади таърифланган (формулировка қилинган) – банк томонидан белгиланган параметр (кўрсаткич)лар доирасида фоиз рискни миқдорини таъминлаш (ушлаб туриш). Шу сабабли банк фоиз рискени мақбул (оптимал) даражасини белгилаш зарур.

Хозирги даврни банк тизимида "рискларни бошқариш даври" деб номлашади. Охирги йигирма йилликда халқаро банк амалиётида банк рисклари орасида энг кўп эътибор ва таҳлил этилаётган риск бу фоиз ставкаси рискидир. Фоиз ставкасининг тебраниши нафақат банкнинг даромадлиқ даражасига балки банкнинг активлари ва пасивлари, капитал қийматига ҳам таъсир кўрсатади.

Банк тизими рискли индустрия бўлгани сабабли, тижорат банклар олдида энг муҳим вазифа бўлиб банкнинг даромадлилигини сақлашдан иборатдир. Банклар томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар фоиз ставкаси қай тарафга тебранишидан қатъий назар, тижорат банклар даромадларининг барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиши зарурдир.

Банк барқарорлигининг фоиз ставкаси тебраниши оқибатида руй берадиган салбий омиллардан сақлашга қаратилган чора – тадбирлар миллий тижорат банкларимиз фаолиятида фоиз ставкаси рискени бошқаришнинг усулларида бири бўлган фоиз маржасининг бошқаришдан ташқил топган. Фоиз маржаси (ФМ) кредит қўйилмаларининг ўртача қиймати билан жалб этилган ресурсларнинг ўртача қиймати орасидаги фарқи бўлиб қуйидагича ифодаланади:

$$ФМ = КК / ЖМ, \quad \text{бу ерда;}$$

ФМ – фоиз маржаси;

КК – кредит қўйилмаларининг ўртача қиймати;

ЖМ – жалб этилган маблағларнинг ўртача қиймати.

Халқаро банк амалиётида фоиз ставкасининг тебраниши оқибатида қўрилиши мумкин бўлган молиявий зарарларнинг олдини олиш мақсадида фоиз ставкаси рискинни бошқаришнинг устувор услуби – дисбалансларни бошқариш услубидан кенг фойдаланилади. Мазкур услуб тижорат банк бошқаруви томонидан фоиз ставкасининг тарихий динамикасини чуқур таҳлил қилган ҳолда ва унинг келажакдаги даражасининг истиқболларини белгилаш орқали банк балансининг фоиз ставкаси рискига қай даражада мойил эканлигини аниқлашга кўмак беради.

Банклар амалиётида энг кенг тарқалган, кредит рискинни камайтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

Банкларда фоиз рисқи қуйидаги усул воситасида пасайтирилиши мумкин:

Фоиз рискинни қуйи бўғиндаги тегишли суғурта ташкилотига ўтказиш йўли билан суғурталаш.

Кредитларни сузувчи фоиз ставкасида бериш. Бу нарсa банкка берилган кредитларининг фоиз ставкасига бозордаги фоиз ставкаларининг тебранишни ҳисобга олиб тегишли ўзгаришлар киритишга имконият беради ва банк ссуда фоизининг бозор нормаси ошиши натижасида қўриши мумкин бўлган зарарлардан қочиш учун шароит яратиб беради.

Муддатли келишувлар Мижоз ва банк ўртасида белгиланган ҳажм ва ўрнатилган фоизда, маълум бир келишилган кунда ссуда билан таъминлаш тўғрисида махсус форвард битим имзоланади. Бундай битимни тузиш билан

банк ссудаларни бериш вақтида бозор фоиз ставкаларининг тушиб кетиши хавфидан ўзини химоялайди. Бунда анча паст тўлов эвазига кредит олган мижоз эса ютади. Хеджирлашнинг бу усули фоиз ставкалари тебраниши билан боғлиқ рискни мижоз билан тақсимлаб олишга имконият беради.

Фоизли фьючерс контрактлари. Фоиз фьючерслари бозор фоиз ставкаларининг тебранишидаги спекуляциялар ҳамда фоиз рискин қоплаш учун қўлланилади.

Фоиз опционлари. Фоиз опциони - бу опцион эгасига қатъий ўрнатилган баҳода келгусида белгиланган кунда ёки унгача қисқа муддатли депозит ёки ссудани сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини (мажбурият эмас) берувчи келишуви.

Фоиз своплари. Битта суммага, лекин турли шартларда тузилган кредит мажбуриятлари бўйича баҳолар ўртасида бўладиган фоиз тўловлари (асосий қарз бўйича тўловларни эмас) алмашинуви фоиз своплари дейилади. Масалан, фоиз ставкаси сузувчи, қатъий белгиланган ёки ҳар хил ссуда капиталлари бозордаги ставкаларга мослаштирилган бўлиши мумкин.

3.2. Валюта rischi

Валюта позицияси – бу валюта хатари кўрсаткичи бўлиб, у ваколатли банк томонидан чет эл валютасини олди-сотди операциясини, шунингдек, бошқа операцияларни амалга ошириш натижасида чет эл валютасида

ифодаланган талаблар ёки мажбуриятларнинг ўзгаришига олиб келадиган ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги активлари (талаблари) ёки мажбуриятлари ўртасидаги нисбатни ифодалайди.

Очик валюта позицияси – бу ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги талаблари унинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари суммасига мос (тенг) бўлмаган ҳолатдаги валюта позициясидир.

Узун валюта позицияси - ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги талаблари микдорининг унинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари микдоридан ортиқ бўлган ҳолатдаги очик валюта позициясидир.

Киска валюта позицияси - ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги мажбуриятларнинг микдори унинг чет эл валютасидаги талабларидан ортиқ бўлган ҳолатдаги очик валюта позицияси.

Чет эл валютасининг ҳар бир тури бўйича очик валюта позицияси ҳар бир операцион кун якунида ваколатли банкнинг регулятив капитали микдорининг 10 фоиздан, жами микдори эса ҳар бир операцион кун якунида ваколатли банкнинг регулятив капитали микдорининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги шарт.

Бозор rischi қуйидаги воситалар орқали камайтирилиши мумкин:

Қимматли қоғозлар олди-сотдисиға тузилган фьючерс контрактлари. Улар контракт эгаларига олдиндан ўрнатилган курс бўйича қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини беради. Фьючерслар қимматли қоғозлар бозор қийматидаги тебранишларда «ўйнаш» ёки бундай тебранишларнинг зарар келтирувчи riskларни камайтириш имкониятини беради.

Фонд опционлари. Фонд опциони - бу акцияларни (ёки бошқа қимматли қоғозларни, агар улар фонд биржасида айланаётган бўлса) келишилган муддат мобайнида сотиш ёки харид қилиш ҳуқуқини беради.

Инвестиция портфелининг диверсификацияси.

Қимматли қоғозларни қадрсизланишдан ҳимоя қилишнинг энг муҳим воситаси банк инвестиция портфелини диверсификация қилишдир.

Валюта рискинни камайтириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилиш мумкин:

Кредит шартномасида ўрнатилган форвард курсини ҳисобга олиб бошқа валютада қайтариш шarti билан бирор бир валютада ссуда бериш. Бундай тадбирлар банкни кредит валютаси курсининг пасайиши эҳтимоллигидан ҳимоя қилади.

Форвард валюта контрактлари. Бу валюта рискинни пасайтиришнинг асосий усулидир. Бундай операциялар битим суммасини ва форвард алмашув курсини шартномада қатъий ўрнатиб хорижий валютани олди-сотдиси бўйича банк ва миждоз ўртасида муддатли келишув имзоланишини кўзда тутди.

Валютавийфьючерс контрактлар. Фьючерслар маълум бир миқдордаги хорижий валютани келгусида аниқ бир кунда сотиш ёки сотиб олиш келишувини ўзида акс эттиради. Лекин форвард контрактларидан фарқли равишда унинг шартлари нисбатан осон ва енгил кўриб чиқилади.

Валюта опционлари.

Валюта своплари. Валюта свопи икки томон ўртасида турли валюталардаги тўловларнинг алмашилиши (албатта, келажакда) ҳақидаги келишувдир.

6. Валюта рискни суғурталаш. Ҳамма рискни суғурта ташкилотига ўтказишни кўзда тутди.

Банкларнинг ўз фаолиятлари жараёнида дуч келадиган турли хилдаги рискларни камайтириш усуллари бўйича тадбирларнинг ишлаб чиқиши риск соҳасида банк стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бундай турдаги операцияларни банк ўз маблағлари ҳисобидан ҳам (бу ҳолда тегишли молиявий рискни пасайтириш ёки у учун бозор шартлари қулай келган – тақдирда имзоланган шартномалардан олинган даромадларни кузатиб бориши керак) ҳамда мижоз топшириғига асосан ҳам (бу ҳолда воситачи сифатида иштирок этиб мукофот олади) амалга оширади.

Булардан ташқари, банк бошқаруви рискларни бошқариш жараёнида қуйидаги асосий тамойилларга асосланган ҳолда қарор қабул қилишлари зарур бўлади:

Банк томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган риск кўлами тижорат банкнинг капиталидан ошмаслиги;

Банк томонидан қабул қилинаётган рискнинг миқёсига қараб зарар кўриши мумкин бўлган қисмига қоплаш, захира манбаларни ташкил этишни режалаштириш;

Кам даромад олиш имкони мавжуд бўлган жойда юқори риск қабул қилинишига йўл қўймаслик;

Банк томонидан қабул қилинган рискларни қаттиқ назорат остига олиш.

Агар рискларнинг олдини олишнинг тўлиқ имконияти бўлмаса, у ҳолда охирги манба-бу рискни бошқариш усули, яъни рискни қоплаш ҳисобланади.

Рискни қоплаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

банклар томонидан умумий ва махсус резерв фондларни ташкил қилиш;

маълум йиғиндиларни зарарларга ўтказиш;

кредит бўйича % лар белгилашни тўхтатиш ва бошқалар.

Банк бошқаруви томонидан юқорида кайд этилган тамойилларга риоя этилиши банк рискларининг даражаси ва йуналишини аниқлаш ва тезкорлик билан аниқ амалий чоралар кўриш орқали банк томонидан кўрилиши мумкин бўлган зарарларни олдини олишга имкон яратади. Банкнинг рискларини бошқариш стратегияси банкнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланиш, банкни ривожлантириши истиқболларини белгилаб беради ва банк рискларининг олдини олиб банклар фаолиятининг самарадорлигини оширишга имкон яратади.


Банк барқарорлигининг таъминлаш мақсадида банк рискининг бошқаруви банк стратегиясининг муҳим таркибий қисмини ташкил этиб мунтазам равишда олиб борилиши лозим.

Тижорат банклари ўз актив ва пассив воситачилик операциялар билан ҳамкорликда халқаро операцияларни ҳам амалга оширади. Пулларнинг кадрсизланиши ўртача йиллик даражаси икки мартагача камайди. Накд пул эмиссияси 20,1 %дан 19,7 %га кискарди. Ташки савдо обороти 9,3 млрд. доллардан ошди. Иқтисодий ривожланган ва бошқа хорижий давлатлар билан ташки савдо обороти 1,7 мартага кўпайиб, умумий хажмининг 72 %ини ташкил этди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон тижорат банклари ҳам халқаро валюта кредит муносабатлари ривожланишида актив хисса кўшяпти.

Бирок тижорат банклари халқаро валюта кредит муносабатларида иштирок этиб, кўп жихатдан муайян хавф хатарга боглик бўлиб, баъзи ҳолларда

уларнинг рискларини ўз зиммаларига олишади. Экспорт ва импорт муносабатларида барча тўловлар банк тизими оркали ўтади, аммо аванс тўловларига келганда, банкнинг хизмати пул тўловчи ёки пул қабул қилувчи хизматини бажаришдан иборат бўлади.



Включить слайд 9 из 2 мавзу «СВОП операциялари»

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини фаоллашуви, корхона ва ташкилотларнинг хорижий шериклари билан амалий алоқаларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши Ўзбекистон тижорат банкларида халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда кўрсатиладиган хизматлари доирасини кенгайтиришга ҳамда тўловларни иложи борида тезроқ ўтказишни тақозо этмоқда. Умуман Ўзбекистон тижорат банклари учун ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: мижозлардан валюта ҳисоб варақларини юритиш; уларнинг топширигига

биноан ҳисоб-китобларни амалга ошириш; шунингдек, маслахат хизмати кўрсатишдан иборат бўлмоқда.

Валюта сиёсати асосан қуйидаги шаклларда қўлланилади: дисконтли, девиз сиёсати ва унинг қўринишлари – валюта интервенцияси, валюта захираларининг диверсификацияси, валюта чекланишлари, валюта курси режими, деволвация ва револвация.

Дисконт сиёсати бу Марказий банкнинг бир тарафдан валюта курсини ва тулов балансини капиталнинг халқаро ҳаракатига таъсир этиш орқали бошқаришга, иккинчи тамондан ички кредит, пул массаси баҳо, умумий талаб динамикасига йуналтирилган Марказий банкнинг ҳисоб-китоб ставкасининг узғаришидир.

Девиз сиёсати – миллий валюта курсига давлат органлари тамонидан чет эл валютасини олиб сотиш йули орқали таъсир этиш. Миллий валюта курсини ошириш мақсадида марказий банк чет эл валютасини сотади, тушириш мақсадида сотиб олади. Валюта интервенцияси расмий олтин валюта резервларини ёки марказий банкнинг миллий валютадаги банклараро «своп» битими асосида узаро кредит ҳисобига амалга оширилади.

Валюта захираларини диверсификациялаш валюта захираларига халқаро ҳисоб-китобларни таъминлаш, валюта интервенцияси утказиш ва валюта йукотишларидан ҳимояланиш мақсадида турли валюталарни кушиш йули билан валюта захираларини бошқаришга йуналтирилган давлатбанклар сиёсатидир. Бу сиёсат одатда стабил булмаган валюталарни сотиш, шунингдек халқаро ҳисоб-китоб учун зарур валюталарни сотиб олиш йули билан амалга оширилади валюта паритетлари ва валюта курслари режими миллий ва давлатлар аро бошқарувнинг объекти бўлиб ҳисобланади.. Иккиланма валюта бозори –валюта сиёсатининг қуриниши белгалаб қуйилган ва сузиб юрувчи валюта курслари уртасидаги оралик жойни эгаллайди. Тижорат ишлари бўйича туширилган курс товарлар экспортини стимуляция қилади ва тўлов балансини тенглаштиради.Тижорат ва молиявий курслар фарқи катта бўлса марказий банк

уларни тенглаштириш учун валюта интервенциясини ўтказди. Иккиланма валюта бозори валюта интервенциясига эҳтиёж камайиши билан валюта захираларининг анча иқтисод килиниши таъминланди.

Девальвация ва ревальвация валюта сиёсатининг традицион методларидандир. Девальвация – миллий валюта курсини бошка чет эл валютасига ёки халқаро ҳисоб-китоб бирликлари, шунингдек, олтинга нисбатан тушуриш. Унинг объектив асоси бўлиб, расмий курснинг бозор курсига нисбатан ошиб кетганлигидир. Ревальвация – миллий валюта курсини чет эл валюта ёки халқаро ҳисоб-китоб бирликлари ҳамда олтинга нисбатан оширишдир.

Тижорат банкларини ХВКМ да катнашиши куп жихатдан Марказий банкнинг валюта сиёсати билан узвий боғлиқдир. Марказий банкнинг валюта сиёсати билан узвий боғлиқдир. Марказий банкнинг валюта сиёсати вазифалари иккита асосий омилдан келиб чиқади. Биринчидан, кейинги вақтда экспортга мулжалланган маҳсулотнинг усишини таъминлаш бу соҳадаги асосий вазифа ҳисобланади. Иккинчидан, миллий валютани эркин айирбошлаш масалалари бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш билан узаро боғлиқдир.

Валюта позицияси – бу валюта хатари кўрсаткичи бўлиб, у ваколатли банк томонидан чет эл валютасини олди-сотди операциясини, шунингдек, бошка операцияларни амалга ошириш натижасида чет эл валютасида ифодаланган талаблар ёки мажбуриятларнинг ўзгаришига олиб келадиган ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги активлари (талаблари) ёки мажбуриятлари ўртасидаги нисбатни ифодалайди.

Очик валюта позицияси – бу ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги талаблари унинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари суммасига мос (тенг) бўлмаган ҳолатдаги валюта позициясидир.

Узун валюта позицияси - ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги талаблари микдорининг унинг чет эл валютасидаги мажбуриятлари микдоридан ортик бўлган ҳолатдаги очик валюта позициясидир.

Киска валюта позицияси - ваколатли банкнинг чет эл валютасидаги мажбуриятларнинг микдори унинг чет эл валютасидаги талабларидан ортик бўлган ҳолатдаги очик валюта позицияси.

Чет эл валютасининг ҳар бир тури бўйича очик валюта позицияси ҳар бир операцион кун якунида ваколатли банкнинг регулятив капитали микдорининг 10 фоиздан, жами микдори эса ҳар бир операцион кун якунида ваколатли банкнинг регулятив капитали микдорининг 20 фоиздан ошиб кетмаслиги шарт.

IV боб. УзР ТИФ Миллий банки Самарканд вилоят булимида хаёт фаолияти хавфсизлиги.

4.1. УзР ТИФ Миллий банки Самарканд вилоят булимида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш.

Хаёт – хаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчаси сифатида куриб чиқиш учун, унда – ингсон фаолияти даврида унинг соғлиғига бевосита ёки билвосита зарар келтирувчи омиллар, социологик зарар, техник вазкологик зарар, алкоголь, апомал харорат, намлик босим, аклий зарурлик, хавф, сабаб ва оқибат-бахтсиз ходисалар, фавкулотда ҳолатлар, кунгилсиз ходисалар, бахтсиз ходисаларнинг сабаблари, таваккалчилик хавфи киради.

Хаёт фаолити хавфсизлиги меҳнат муҳофазасининг ҳукукий, Қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва турли вазирликларнинг курсатмалари ҳамда Миллий банк курсатмалари ва буйруқлари ташкил қилади.

Конституциянинг IX бобби иқтисодӣ ва ижтимоӣ ҳуқуқларини ҳимоясига қаратилган 36-моддада «Хар бир шахс қунунда қурсатилган тартибда меҳнат қилиш. Ёрки қасб танлаш, одилона шароитларда меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» дейилган ва унинг давомида «Суд ҳукми билан тайинланган жазони уташ тартибидан ёки қонунда қурсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақикланади» дейилган.

Юртимизда фуқаро меҳнати муҳофазасини Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида» Қонуни (1993 й.6 май), Меҳнат Кодекси (1995 йил 21 декабр). «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ҳодимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини ҳисобга олиш тугрисида

Низом» ва турли давлат стандартлари ва курсатмалари асосида ҳукукий асоси яратилган.

Ўзбекистон Республикаси «Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисида»ги Қонун жами 5 бўлим, 29 моддадан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиги ва меҳнاتини муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Самарқанд вилоят бўлимида жами ишчи ходимлар сони 135 кишини ташкил қилади. Иш вақти соат 9 дан соат 18 қилиб белгиланган. Тушлик пайти соат 12 дан соат 13 гача.

Мамалкатимизда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги таъминланган. Бу эса меҳнат қилиш ҳақидаги Қонуниятда таъкидланган. Шу билан бирга аёллар аъзоларининг баъзи ўхшашликларини ва аёлларнинг оиладаги мавқеини ҳисобга олиб, Қонуниятда улар учун маълум енгилликлар ва махсус қоидалар белгиланган. Аёллар соғлигига зара келтиришини ҳисобга олиб, баъзи бир ишларга аёллар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти Миллий банки Самарқанд вилоят бўлимида ҳисоб китобларни қайта ишлайдиган, трансакцияларни техник жиҳатдан амалга ошириш учун махсус биринчи бўлим, яъни компьютер хонаси мавжуд. У ерда банклараро ҳисоб китобларни амалга ошириш учун махсус «сервер» жойлашган. Узининг ҳажми жиҳатидан ушбу «сервер» оддий компьютердан анча фарқ қилади ва нурланишни қупрок чиқаради, шу боис Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти Миллий банки ҳаёт ҳафвсизлигини таъминлаш мақсадида аёлларнинг ишлаши ва 35 ёшга етмаган эркакларни ишлашига йул қуйилмайди.

Узбекистонда меҳнат муҳофазаси – бу тегишли конун ва бошка меъерий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сihat-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш олдини олиш тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (8 декабр, 1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (21 декабр, 1995 й.), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги конун» (6 май, 1993 й.), Давлат стандартлари, низомлар ва норматив ҳужжатлар, ҳавфсизлик техникаси бўйича қоидалар асосида олиб борилади.

Республикада демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятининг қурилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тулик риоя этилишини таққоза қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Республикамиз фуқароларининг шахсий ҳуқуқий ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари яққол ўз ифодасини топган. Конституцияда қурсатилганидек, «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар». (2-модда); «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ўзвий ҳуқуқидир...» (24 модда); «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин қасб танлаш, қулай меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда қурсатилган тартибда ишсизликдан қимояланиш ҳуқуқига эгадир» (37 модда). Юқоридагиларга асосланган ҳолда ифодалаш мумкинки, инсоннинг ҳаёти ҳам, меҳнат қаролияти ҳам, қоғлиги ҳам давлат қонунлари асосида қимояланади, муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги Қонунида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати аниқ ўз ақсини

топган. Унда «Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устиворлиги» (4 модда) таъкидланган. Ушбу қонун 5 бўлим ва 29 моддадан иборат бўлиб, унда меҳнат муҳофазаси бўйича умумий қоидалар (1-бўлим, 7 моддадан иборат); меҳнатнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш (2-бўлим, 8 моддадан иборат); ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини руёбга чиқаришдаги қафолатлар (3-бўлим, 6 моддадан иборат); меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати (4-бўлим, 3 моддадан иборат); меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида»ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик (5-бўлим, 5 моддадан иборат) масалалари ёритилган.

1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қабул қилинди ва у 1996 йил апрель ойидан бошлаб амалда қучга кирди. Ушбу қонунларда қурсатилишича ҳавфсизлик техникасига, ишлаб чиқариш санитариясига ёнгин чиқишидан сақланишга ва меҳнат муҳофазасининг бошқа қоидаларига риоя этиш юзасидан ишчи ва хизматчиларга йул-йуриқлар бериш, шунингдек, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир қўлланмаларда қурсатилган ҳамма талабларга амал қилиши устидан доимий назорат урнатиш маъмурият зиммасига юкланади. Меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, шунингдек, алоҳида ҳарорат шароитида бажарилаётган ёки ҳавони ифлослантирувчи ишларда меҳнат қилувчи ва хизматчиларга белгиланган совун, махсус кийим-бош, пойафзал ва бошқа шахсий химоя воситалари текинга берилади. Меҳнат шароити ифлосланиш билан боғлиқ ва зарарли бўлган ишларда ишловчи ишчилар белгиланган нормаларда совун, сут ёки бошқа хил профилактик озик-овқатлар, иссик цехларда ишловчиларга эса газ-сув билан текин таъминланади.

Меҳнат қонунлари кодексида бoлогатга етмаган ёшларнинг меҳнатига алохитда эътибор берилган. Ун саккиз ёшга тулмаган йигитларнинг 16 кг дан.

Кизларни 10 кг дан ортик юк кутаришига, уларнинг иш вақтини ҳафтасига 36 соатдан ортиб кетишига, йул куймаслик керак. Шунингдек, уларни тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга ҳамда дам олиш кунлари ишлашга жалб этиш тақиқланади. Ишчи ходимлар учун иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ошиб кетмаслиги, ун саккизга кирмаган ёшлар ҳамда меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда меҳнат килувчилар учун иш вақти миқдори ҳафтасига куп билан 36 соат бўлиши керак. Иш вақтидан ортик ишлаш ҳар бир ишчи ва хизматчи учун сурункасига икки кун давомида 4 соатдан ва йилига 120 соатдан куп бўлмаслиги лозим.

Ишлаб чиқаришда юз берадиган бахтсиз ходисаларни олдини олишга қаратилган тадбирлардан бири бу содир бўлган бахтсиз ходисаларни тугри текшириш ва таҳлил қилиш, уларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда олинган маълумотлар асосида тегишли тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Шу нуктаи назардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарорига асосан «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш» тугрисида Низом қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодексида ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги Қонунида ва бошқа меъерий ҳужжатларни бузганлиги учун жавобгарлик белгиланади. Қонунда, меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганлиги учун қорхоналарнинг жавобгарлиги, (25-модда) меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятидаги маҳсулотни тайёрланганлик ва сотганлик учун қорхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги, (26 модда): ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиён етказганлик учун қорхоналарнинг моддий жавобгарлиги, (28-модда); ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда қорхонанинг моддий жавобгарлиги (29-модда) аниқ қурсатиб утилган.

«Мехнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилишидап айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар» (27-модда).

«Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисида» ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиғи учун зарарли бўлган омилларни бартараф қилиш бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник жиҳатдан қоникарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора-тадбирларни қуриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги қурсатиб утилган. Қасбий қазарликлар мавжуд бўлган ҳудудларда меҳнат қиладиган ишчилар қисқартирилган иш қуни, қушимча дам олиш қунлари қлрий этилиши. Қарали иш жойларда ишлаганларга. Яъни жуда иссиқ ҳароратли, совуқ. Қах ва соғлиқ учун зарарли шароитда меҳнатқилаётганлар учун махсус устама ҳақ ҳамда ҳимоя қийимлари берилиши қузда қутилади. Қасбий қасалликларнинг олдини олиш, ишчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг урнатилган тартиби қорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти Қиллий банки Самарқанд вилояти бўлимида меҳнат ҳавсизлиғини таъминлаш мақсадида қупгина ишлар қилинган, жумладан қомпютер билан ишлаш қараенида нурланишнинг олдинги олиш мақсадида барча қомпютерлар махсус ҳимоя экранлари билан қизозланган. Қазирма ёз мавсумида иш унумдорлиғини ошириш ҳамда меҳнат ҳавсизлиғини таъминлаш мақсадида барча ҳоналарда махсус совутқичлар урнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти Қиллий банки Самарқанд вилоят бўлимида барча ҳодимлар ишнинг ҳавсизлик даражаси, шунингдек ҳизмат малақаси ҳодимнинг стажы, лавозимида қатъий назар ишга

кабул килинганда белгиланган муддатларда компьютер хавфсизлиги буйича йуриқномалар билан таништирилади.

Ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат килиш шароитини яратишда, меҳнат Қонуни, кодекси, Низомидан бошқа Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими ката рол уйнайди. Улардаги қуйилган вазифани бажаришда ва нормадаги шароитни таъминлашда меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими – системаси инобатга олинади. Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими фаолиятига меҳнатни муҳофаза килиш борасидаги ишларни режалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш, ишларни барқарорлаштириш киради. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза килиш буйича ташвиқот олиб бориш, хавфсизлик талабига биноан уқитиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, усқуналар, жараёнлар, бино ва қурилмалар хавфсизлигини таъминлаш, санитария – гигиеник меҳнат шароитини яхшилаш, ишчиларни шахсий муҳофаза воситалари ва меҳнатни нормадаги режими, дам олиш билан таъминлаш, санитария- маиший хизмат, мутахассисларни касбий буйича танлаш каби вазифалар тизимнинг таркиби ҳисобланади.

4.2. УЗР ТИФ Миллий банки Самарқанд вилоят бўлимида ёнгинга қарши чора тадбирлар.

Ёнгин хавфсизлиги – умумий талаблар, ёнгин хавфлари, ёнгинни олдини олиш, ёнгинга қарши ҳимоя схемаси, ёнгинни тарқатилишини олдини олиш, ёнгиндан ҳимояланиш, техник жихозлар, ёнгин муҳофазаси буйича мутахассислар тайёрлаш, турли тадбирлар ўтказиш, ёнгинга Қарши инструкциялар, ёнгинни учираш, ўт учиргичлар ва қурилмалар, ёнгинни аниқлаш ва учирашнинг автоматик воситалари, ёнгин алоқалари, сигнализациялар киради.

Электр ускуналарнинг носозлиги ёки уларни ишлатиш коида талабларига амал килмаслик, одамнинг шакастланишига олиб келади. Электр токи одам танасига термик, электролитик ва биологик хилда таъсир этиши мумкин. Натижада одамнинг нафас олишида, юрак фаолиятида, моддалар алмашувида, кон таркибида ва бошқа аъзоларида узгариш булади.

Ёнувчи мода билан хаводаги кислороднинг узаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва куп микдорда иссиқлик ажралиб чикувчи кийёвий реакцияга ениш дейилади.

Ёниш жараенини тухтатиш учун оксидланиш-тикланиш занжир реакцияси тузилиши керак. Бу реакцияда тухташнинг физик ҳамда кимёвий усуллари кулланилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолияти Миллий банки Самарканд вилояти булимида ёнгин хавфсизлигини олдини олиш борасида жуда ката ишлар килинган, жумладан барча электр таркомлар стандартларга аосан икки кават махсус электр токинит утазмайдиган копламалар билан химояланган. Хар бир хонада махсус ут учирайдиган мосламалар мавжуд. Бу мосламалар хар 6 ойда махсус комиссия томонидан текширилади ва зарурат тугилганла алмаштирилади. Банкнинг дала ховлисида махсус «Хавфсизлик шкафи» мавжуд булиб, у ерда барча зарур булган асбоб ускуналар, махсус болгалар, сув сепадиган махсус шланглар мавжуд.

Банк биносининг хар бир хонасида махсус электрон даччиклар мавжуд булиб, тутун чиккан холда зудлик билан банк коровулхонасига ҳамда ёнгинга карши курашиш ташкилотига хабар етиб боради. Бундан ташкари банк биносининг хар бир хонасида ёнгин чиккан холда автоматик равишба сув сепадиган махсус курилмалар билан жихозланган.

Хар йили, банк биноти Самарканд вилояти Ички Ишлар Булими кошидаги Ёнгинга Карши Курашиш Бошкармаси томонидан текширилади ва бу хакда далолатномалар тузилади.

Банк рахбарияти томонидан ва ҳар 6 ойда Самарканд вилояти Ички Ишлар Булими қошидаги Ёнгинга Қарши Қурашиш булими банк ходимлари билан тушунтириш ишлари олиб бoрилади.

Маъмурият таркибида рахбар ходимлар, яъни қорхоналарда, ташилoтларда ташкилотчилик, маъмурий – хужалик ишларини амалга оширувчи. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилувчи, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаетган қишиларни бошқарвчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб бoрувчи шахслар қиритилади.

Маъмурий ходимларига қуйиладиган асосий талаб, улар давлат сиёсатини яхши тушунишлари ва уни амалга оширишга ҳаракат қилишлари, давлат ва халқ манфаатларини тушуниб амалга оширишлари, меҳнат шароити тартибини сақлай билишлари, ишчиларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатлантириш, иш унумини ошириш ва даражасини бир неча ун йил олдиндан қура билувчи шахс бўлишлари қерак.

Ҳар қандай қорхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган ҳом ашеси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнгин чиқишга, портлашга ва ёнгин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнгиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнгинга ва портлашга ҳавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир қорхонада ёнгин ҳавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатиаетган ҳом ашенинг ва чиқариаетган маҳсулотнинг ёнгинга ҳавфлилик даражаси билан улчанади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти Миллий банки Самарканд вилоят булимида ходмларга тиббий ердам қурсатиш мақсадида маҳсус тиббиет қуттиси мавжуд. Ушбу қутида биринчи даражали тиббий

ердам курсатиш учун барча дори воситалари, енгин содир булганда махсус одам ташийдиган ускуналар билан жихозланган.

ХУЛОСАЛАР:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида юқори рискка асосланган ҳолда фаолият кўрсатувчи субъект сифатида тижорат банклари фаолиятининг бошқа субъектлар фаолиятидан фарқ қиладиган қуйидаги асосий хусусиятларни кўрсатиш мумкин. Тижорат банки ресурсларнинг асосий қисмини жалб қилинган ресурслар ташқил қилади. Шу сабабдан бошқа кредиторлар олдида мажбуриятларни бажарилиш қобилиятини доимий равишда сақлаш мақсадида банк фаолияти устидан кучлироқ назорат механизмни шакклантириш лозим.

Биринчидан, фақат банкларгина ўзлари учун хос бўлган қарз мажбуриятлари (депозит, омонат сертификатлари ва бошқалар) чиқарадилар ва шу йўл билан йиғилган маблағларни бошқа субъектлар томонидан чиқарилган қимматли қоғоз ва бошқа қарз мажбуриятларга жойлаштирадилар. Банкнинг бу хусусияти молия бозорида ўз қарз мажбуриятини чиқармай фаолият кўрсатувчи молиявий брокер ва дилерлардан фарқ қилади.

2. Кредит рискин камайтириш мақсадида банк рискин бошқариш бўлимасининг вазифалари қўйидагилардан иборат бўлиш лозим:

Банк кредит (инвестиция) портфелини кредит (инвестиция) тури, қарздор (эмитент) нинг иқтисодий тармоғи, ҳудуди, кредит таъминоти, мақсади, фоизи ва ундириш муддатлари бўйича алоҳида-алоҳида мониторинг ўрнатиш ва уларни таҳлил қилиш;

Муаммоли кредитларни, уларнинг иқтисодиётининг қайси соҳасига тегишлилигини, муаммога айланганлик сабабини, ушбу кредитларни ажратиш ва мониторинг қилиш жараёнларини ўрганиш натижасида тегишли хулосалар қилиш ва таклифлар тайёрлаш;

Кредит рискин аниқлаш ва олдини олиш мақсадида кредит олган шахслар бўйича маълумотларни умумлаштириш ва тегишли хулосалар қилиш;

Банкнинг молиявий ҳолати, ликвидилигини стресс-тестдан ўтказиш ва мижозларни скоринг таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиш ва уларнинг қулланилишини таъминлаш;

3. Фоиз риски банкнинг кредитга берган маблағлари бўйича оладиган фоиз ставкасига нисбатан жалб қилган ресурслари бўйича юқори фоиз ставкалари тўлашга мажбур бўлган ҳолда юзага келади.

Фоиз рискларининг бошқарилиши актив ва пасивларни бошқарилишидан ташкил топади. Фоиз рискларни бошқаришнинг бир неча тамойиллари мавжуд. Булар қуйидагилар:

а. Банкнинг фоиз маржаси қанча юқори бўлса, фоиз риск даражаси шунча паст бўлади.

б. "Спред" тамойили. Бунда олинган активлар бўйича ўртача тортилган ставка ва тўланган мажбуриятлар бўйича ўртача тортилган ставка ўртасидаги фарқ таҳлил қилинади. Таҳлил учун маълумотлар одатда банкнинг статистик ҳисоботидан олинади.

в. Банкнинг ўзгармас ва сузиб юрувчи фоиз ставкалари билан баланسدан ташқари актив ва пасивларни таҳлил қилишдан иборат.

с. Кредит рискин камайтиришга асосий ўринни Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий нормативларга қаттиқ риоя қилиш.

Тижорат банклари фаолиятида портфел рискларига ҳам эътибор бериш лозим. Портфел рисклари қимматли қоғозларнинг алоҳида турлари ҳамда ссудаларнинг барча категориялари бўйича зарар кўриш эҳтимоли билан белгиланади. Портфел рисклари молиявий, ликвид рисклар, тизимли ва тизимсиз рискларларга бўлинади.

4. Базел I ўзининг қуйидаги **афзалликларига** эга:

- банкнинг «реал» капиталини характерлайди;
- банкларни минимал капиталга эга бўла туриб, кредитлар миқдорини кескин оширишга йўл қўймайди яъни эътибор кредит портфели миқдorigа (ҳажми) эмас балки сифатига қаратилади;
- банкнинг рисксиз фаолияти қўламини кенгайтириш имконини беради;

- балансдан ташқари мажбуриятлар буйича рискни ҳисобга олиш имконини беради.

Шу билан бирга капитал етарлилиги бўйича Базел I келишуви бир қатор **камчиликларга** эга:

- капитал даражалари бўйича элементларни ҳисоблашда етарлича аниқлик мавжуд эмас;

- риск даражасига кўра активларнинг батафсил дифференциацияси йўқ;

- активларни манипуляция қилиш ва портфел таркибини ўзгартириш орқали капитал етарлилиги коэффицентига таъсир этиш мумкин. Бу банк қабул қилган реал риск миқдори билан ҳисобланган риск орасида тафовутни келтириб чиқаради.

5. Битирув малакавий ишлари давомида бизлар хулосага келдикки Ўзбекистон банк тизимининг ликвидлик даражси халқаро талабларга нисбатан баланд. Агар халқаро Базель кумитасининг талаби бўйича етарлик даражаси 8% ни (Базель III да 12.5% фоизни) ташкил қилиш лозим бўлса Ўзбекистондаги тижорат банкларида ушбу кўрсаткич 23% фоизни ташкил қилмоқда. Ва асосий сабаб тижорат банкларнинг активларда қассали активлар баланд даражасини ташкил қилмоқда. Аммо юқори ликвидли активлар даромад келтирмайдиган активлар ҳисобланади ва тижорат банкларда рискли активларга яъне даромад келтирувчи активларга маблағларни жойлаштириш қўшимча имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон банк тизимида Базел III стандартларини жорий этиш керак лекин кўп бандларни соддароқ қилиш лозим деб ҳисоблаймиз, чунки талабини айрим жойларни оддий банк ходимиға тушунмаслиги мумкин. Ўзбекистон банк тизимини халқаро молия бозорлари томон интеграциялашуви ва банкларда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини (БХХС) тўлиқ ўзлаштириш

имконини беради. Шу билан бирга банк рискларини баҳолаш ва рискни бошқариш тизимини ривожланиши ҳамда банк операцияларида нархларини шакллантиришнинг банк капиталига бўлган таъсирини ўрганиш, банклар фаолияти самарадорлиги, обрўи ва барқарорлигининг ошишига олиб келади. Маълумки Ўзбекистон банк тизимининг ликвидлик даражаси Базел қумитанинг талабларга нисбатан 3 барабар зиёд. Шу сабаблардан Базел III стандартларини жорий этиш банк тизими устидан назоратини каттиқроқ тарзда жорий қилишни имконият яратади.

Бироқ Базел III стандартларини ўзлаштириш жиддий тайёргарлик ва катта харажат талаб этади. Шунингдек, керакли инфратузилмани шакллантириш қонунчилик базасини мослаштириш зарур бўлади.

6. Битирув малакавий ишини тайёрлаш даврида олиб борилган таҳлили натижасида қўйидаги хулосага келди: Ўзбекистон банк тизимида Марказий банкнинг мажбурий захира фондига ўрнатилган нормаси қайта молиялаш ставкасидан бир паст миқдорда баланд. Тижорат банкларнинг ликвидлик даражасини ошириш мақсадида ушбу нормасини (миллий ва хорижий валютада 15% фоизни), қайта молиялаш ставкасига баравар ўрнатиш лозим. Натижада агар қайта молиялаш ставкаси камайса мажбурий захира фонддаги утказмаси ҳам камаяди ва натижада тижорат банкларда қўшимча ресурс маблағ пайдо бўлади, яъни ликвидлик қобилияти ошади .

7. Шунингдек очик бозорда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки операциялари давомида давлат қимматбаҳо қоғозлари (ДФО – давлат ғазначилик облигациялари) фойдасини қайта молиялаштириш ставкаси билан боғлаш зарурдир, агар қайта молиялаштириш ставкаси камайса ДФО бўйича фоизни камайтириш ва агар у кўпайса ошириш.

Бизнинг назаримизда, тижорат банклари очик бозорда операциялар бутунлай қизиқиш йўқотмаслиги учун, Давлат бюджетининг профицитига қарамай очик бозорда операцияларни амалга оширишни давом эттириш зарур.

8. Ҳозирда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги, тижорат банклари бозорда катта обрўга эга эмаслиги, улар томонидан тўланадиган дивидентларнинг пастлиги сабабли банк капитали таркибида қўшимча капитал яъни акция, облигацияларни бозор баҳосидан юқори нархда сотиш ҳисобидан олинадиган эмиссион даромадлар кичик салмоққа (0.01%) эга. Бу албатта, тижорат банклари қимматли қоғозлари фонд бозорида жадал олди-сотди қилинмаётганлиги ва уларнинг бозор баҳоси шакллантирилмаётганлигидан далолат беради.

9. Валюта рискинни камайтириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилиш мумкин:

а. Кредит шартномасида ўрантилган форвард курсини ҳисобга олиб бошқа валютада қайтариш шarti билан бирор бир валютада ссуда бериш. Бундай тадбирлар банкни кредит валютаси курсининг пасайиши эҳтимоллигидан ҳимоя қилади.

б. Форвард валюта контрактлари. Бу валюта рискинни пасайтиришнинг асосий усулидир. Бундай операциялар битим суммасини ва форвард алмашув курсини шартномада қатъий ўрнатиб хорижий валютани олди-сотдиси бўйича банк ва мижоз ўртасида муддатли келишув имзоланишини кўзда тутди.

с. Валютавий фьючерс контрактлар. Фьючерслар маълум бир миқдордаги хорижий валютани келгусида аниқ бир кунда сотиш ёки сотиб олиш келишувини ўзида акс эттиради. Лекин форвард контрактларидан фарқли равишда унинг шартлари нисбатан осон ва енгил кўриб чиқилади.

д. Валюта опционлари.

г. Валюта своплари. Валюта свопи икки томон ўртасида турли валюталардаги тўловларнинг алмашилиши (албатта, келажакда) ҳақидаги келишувдир.

д. Валюта рискни суғурталаш. Ҳамма рискни суғурта ташкилотига ўтказишни кўзда тутди.

е. Чет эл валютасининг ҳар бир тури бўйича очик валюта позицияси ҳар бир операцион кун якунида ваколатли банкнинг регулятив капитали микдорининг 10 фоиздан, жами микдори эса ҳар бир операцион кун якунида ваколатли банкнинг регулятив капитали микдорининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги шарт.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1. *Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 57.*
2. *И.А. Каримовнинг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириши ва инвестициявий фаоллигини кучайтириши чора тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1317-сонли Қарори*
3. *Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулимиз 9-том. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 32-бет*
4. *Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: “Санкт-Петербург Оркестр”, 1994. – С. 90-93*
5. *К.Барлтроп и Д.МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках.-Всемирный банк, Вашингтон, 1993.- С. 53-54.;*

6. Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка.-М.:ЮРИСТЪ, 2003.- С. 228.;
7. Носкова И.Я. Валютные и финансовые операции. – М.:ЮНИТИ, 1998. – С.46 - 47.
8. Вахабов А.В. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. – Ташкент: Университет, 2003. – 538 с.; 3.5.
9. Жумаев Н.Х., Кудайбергенов Ж.Ш. Международные финансовые отношения. Валютный курс и пути их регулирования. –Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2006. – 132 с.; 3.3.
10. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. – 184 б.;
11. Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириши. И.ф.н. илм. дар. олиш учун дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 15 б.
12. Ф.Муллажонов Ўзбекистон банк тизими : Молиявий барқарорлик ва иқтисодиётни модернизациялаш йўлида БПК, №1, 2011 йил 6-14 бет
13. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами . Т., «Ўзбекистон», 2000.
14. Севрук В. Т. Банковские риски. М., Дело, 1995, 3 б,
15. Усоскин В. М.. Современный коммерческий банк., М., ИГШ "Вазар-Ферро" 1994, 26 б.
16. Стоянова Е. С. Финансовъга менежмент, М: Перспектива, 1993, 121 б.

17. Ўлмасов А. (Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т. "Меҳнат", 1995 й., 387-бет.

18. “Тижорат банкларининг банк рискларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида” низом ЎР Адлия вазирлиги 2011 йил 25 май № 2229 –сон

19. Управление деятельностью коммерческих банков (Б.М.) под.ред.д-ра. экон.наук Ловрушин О.И. – М.:Юристъ, 2003. 309ст.

20. Банковское дело. Под.редд-ра.эконом.наук. Ловрушин О.И. – М.: «Ф и С» 2005. (3-изд) – 206 ст

21. Что нам ждать от Базель II ? А.А.Козорян Деньги и кредит, 6.01.2006г.

* International Convergence of Capital Measurement and Capital standards: Revised Framework-BCBS.-2004.-june.-
www.bis.

ⁱ Каримов И.А. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 57.

ⁱⁱ Эдвин Дж. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. – СПб.: “Санкт-Петербург Оркестр”, 1994. – С. 90-93.; ⁱⁱ К.Барлтроп и Д.МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках.- Всемирный банк, Вашингтон, 1993.- С. 53-54.; Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка.- М.:ЮРИСТЪ, 2003.- С. 228.; Носкова И.Я. Валютные и финансовые операции. – М.:ЮНИТИ, 1998. – С.46 - 47.

ⁱⁱⁱ Вахабов А.В. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. – Ташкент: Университет, 2003. – 538 с.; 3.5. Жумаев Н.Х., Кудайбергенов Ж.Ш. Международные финансовые отношения. Валютный курс и пути их регулирования. –Ташкент: Iqtisod-Moliya, 2006. – 132 с.; 3.3. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. – 184 б.; Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. олиш учун дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 15 б.